

Туркистон Тонги

www.turkistontongi.com e-mail: gazeta@turkistontongi.com



Ижтимоий-сиёсий, илмий, адабий-публицистик газета

«Турк Консейи» (Кенгаши) аслига қайтди



Ҳалил Ақинжи Турк Кенгаши Раиси

Туркия, Азарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон жумҳуриялари 2009 йилда ташкил этилган «Турк Консейи» (Кенгаши), «Девони Луғатит Турк»даги каби Турк Кенгаши номини олди. «Konsey» сўзини эса фақатгина чет эл ёзишмаларидагина қўллайдиган бўлди. Турк Кенгаши раиси Ҳалил Ақинжи: «Аслимизга қайтдик» дейди.

Турк Кенгашининг режалари ичида Ўрта турк алифбоси, Турк қаҳрамонлари иштирокидаги мультфилмлар, умумтурк тарихи китоблари чиқариш каби бор. Турк кенгаши раиси буюкэлчи Ҳалил Ақинжи минг йиллар бир - бирларидан айри бўлган Турк Дунёсини кенгаш режалари атрофида бирлаштириш учун ҳаракат қилмоқда. Турк Кенгашининг Балмумчидаги ўрмонга қараган котиблик биносидида суҳбатдошимиз Ҳалил Ақинжи бу ёш ташкилот ва унинг режаларини «Сабоҳ» (SABAH) газетасига сўзлаб берди. » давоми, 3-БЕТДА



Ҳикмет Четин

Назарбоевни турк дунёсининг лидери дейишмоқда

Туркия Буюк Миллий Кенгашининг собиқ раиси Ҳикмет Четин Қозоғистон президенти-нинг Республика халқига йўлловини шарҳларкан, Нурсултон Назарбоевни Турк дунёсининг лидери деб атади.

«Мен Қозоғистонга яна бир бор келиш имконияти туғилганидан жуда бахтлиман. Мамлакатларингиз мустақилликка эга бўлгандан кейин бу ерга ташриф буюрган биринчи Ташқи ишлар Вазири мен бўлгандим. Ўшандан бери бу ерга бир неча бор келишга тўғри келди ва ҳар гал яхши ўзаришлар бўлганини сезиб турдим. Бугун Қозоғистон иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш бўйича дунё мамлакатларига намуна бўлиши мумкин. Ва бунда менинг дўстим, Нурсултон Абишевич Назарбоевнинг ҳиссаси каттадир», - деди Четин.

Унинг айтишича, бугунги кунда Нурсултон Назарбоев бутун турк дунёсининг лидеридир. «Мен Назарбоевни, кўп жиҳатлари билан Отатуркка ўхшатгим келади. Айнан Назарбоевга ўхшаган шахслар асрлар чорраҳасида пайдо бўладилар. Ҳамиша унинг ўз қарши, ўз стратегияси бор», - таъкидлади у.

«Янги стратегия – бу Сизларнинг лидерларингизнинг узоқни кўра олиши ва донолиги белгисидир. У нимаки қилса, энг аввало, ҳамиша ўйлаб юрадиган халқининг манфаати учун қилади. Мен ишонманки, Қозоғистон ўз лидери олдида қўйган мақсадига етади. Чунки, қозоғистонликлар ўз президентларини яхши тушинишади ва қўллаб қувватлашади». – хулоса қилди Четин.

BNEWS.KZ

ҚОЗОҒИСТОН-ЎЗБЕКИСТОН ЧЕГАРАСИДА СОДДАЛАШТИРИЛГАН ЎТИШ ПУНКТЛАРИ ОЧИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛИШМОҚДА

«Қозоғистон ва Ўзбекистон орасида ҳар иккала мамлакат фуқаролари учун соддалаштирилган чегара пунктларини очмоқ лозим...»

Қозоғистон Сенати Парламентининг навбатдаги мажлисида сенатор Қувонш Айтахонов Қозоғистон Миллий хавфсизлик қўмитаси чегара қўшинлари директори вазифасини бажарувчи Турғунбек Стамбековга мурожаат қилар экан, шу нуқтаи назарни илгари сурди, деб хабар қилади BNews.kz. мухбири

«Бугунги кунда Ўзбекистон ва Қозоғистон қўшма корхоналари орасида соддалаштирилган пунктлар масаласида ўзаро келишув бор. Агар кимнингдир қориндоши Ўзбекистонда яшаса, бошқалари Қозоғистонда бўлса, уларнинг борди-келдилари қийинлашмоқда.

Бизнинг маълумотларимизга қараганда, ҳозирда Ўзбекистонда миллати қозоқ бўлган 4 миллион фуқаро яшайди, бинобарин, Мамлакатлар орасида соддалаштирилган ўтиш пунктлари очиш Қозоғистон учун муҳим масалалардан бирига айланган.

Шу қаторда ҳозирда қаза топган Т. Стамбеков Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасида соддалаштирилган пунктлар очиш Божхона Иттифоқи доирасидаги келишувларга зидлигини ҳам урғулаган.

«Россия - Қозоғистон чегараларида соддалаштирилган пунктлар сони 105та. Бу божхона иттифоқи ва ягона иқтисодий ҳудуд бўйича келишувимиз бор бўлган Россия Федерацияси чегараларида шундай. Агар жанубий, қозоқ-ўзбек чегараларини олсангиз у ерда бу хил соддалаштирилган ўтказиш пунктлари йўқ. Чунки бу Божхона Иттифоқи нормаларига



зид келади, - деганди Т. Стамбеков. Шу билан бирга у Қожунда Ўзбекистоннинг ҳам Божхона Иттифоқиға аъзо бўлиши мумкинлиги ёзилганини ҳам таъкидлаган.

«Агар шундай шароит бўлса, икки мамлакат орасидаги келишувлар халқаро келишувлар доирасида бўлади, зарурат юзасидан шу хил пунктлар жанубда ҳам очилади. Ҳозирги шароит бунга йўл бермаяпти», - хулоса қилган Т. Стамбеков.

NEWS.NUR.KZ

АЛМАТЫДА «МУСТАҚИЛЛИК БИЗНИНГ БАХТИМИЗ» АДАБИЁТ ВА САНЪАТ КЕЧАСИ ЎТКАЗИЛДИ.

Қозоғистондаги уйғурлар 9 - Декабр куни бир ерга жам бўлиб «Мустақиллик бизнинг бахтимиз» номли адабиёт ва санъат кечаси ўтказдилар.

Қозоғистон жумҳуриятининг мустақиллигига бағишланган бу тадбирни жумҳурият уйғур оналари кенгаши жамият

фонди ташкил этган бўлиб, Қозоғистон ёзувчилар уюшмасининг Уйғур адабиёти кенгаши яқиндан қўллаб – қувватлаган. Тадбирда рақс, мусиқа ва кўшиқлар ўрин олди, шеърлар декламатсия қилинди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди



Алматада ўтган «Мустақиллик бизнинг бахтимиз» адабиёт ва санъат кечаси қатнашчилари

УШБУ ўзинг учун
ўл етим
СОҢДА: 2-бет

Обама Хитойга
нисбатан юмшоқ
сиёсат юргизмоқда
3-бет

Мустафо
Чўқай
ким эди?
5 бет

Янги уюшманинг
номи «Истеъдод»
бўлгани маъкул...
6-бет

Миллатлар
қандай тараққий
этарлар
7-бет

МИГРАЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ТЕНДЕНЦИЯЛАР ЎЗИНГ УЧУН ЎЛ ЕТИМ...

3-мақола

3, 9 - сонларда босилган
“Мардикорчилик машаққатлари” мақоласининг давоми



“Мардикорчилик машаққатлари” туркум мақолаларидан маълумки, жаҳон стандартлари бўйича олиб қаралганда, меҳнат муҳожирларининг ҳуқуқлари бузилган. Масалан, БМТнинг 1948 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» нинг, шу халқаро ташкилот 1990 йили 18 декабрда қабул қилган «Барча меҳнат муҳожирлари ва улар оилаларининг ҳуқуқлари ҳақида», МДҲ давлатлари 1995 йилнинг 26 майида қабул қилган «Инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари» каби Конвенцияларининг қатор бандлари бузилган.

БМТнинг «Барча меҳнат муҳожирлари ва улар оилаларининг ҳуқуқлари ҳақида» Конвенциясининг 1-бандининг 11 моддасида: «меҳнат муҳожир ва унинг оиласи кулликда сақланиши мумкин эмаслиги», 2 бандда эса: «меҳнат муҳожир ва унинг оила аъзолари мажбурий меҳнатга тортилиши мумкин эмас»лиги ёзилган. Аммо юқорида кўриб ўтганимиздай, халқаро қонунлар ишлаётгани йўқ.

Ўзбекистондан ўтган меҳнат муҳожирларининг миллати қозоқ ёки қорақалпоқ ҳатто ўзбеклардан бир қанчалари Қозоғистонга келиб яшашмоқчи, ўралмон мақомини олмоқчи бўлишади,

аммо Қозоғистон қонунлари бўйича фақат қозоқ миллатига мансуб фуқароларгина ўралмон мақомига эга бўлишлари мумкин. Шунинг учун кўпгина қорақалпоқлар, ўзбеклар паспортларига «қозоқ» деб ёздириб ўралмон бўлишмоқда. Қозоқлар эга бўлган имтиёзлардан фойдаланишмоқда.

Бир пайтлар Қозоғистонда туғилган, ота-оналари Қозоғистонлик бошқа миллат вакиллари, масалан, ўзбеклар бу мақомга эга бўла олмайди. Шу билан бирга Россиядаги ва Қозоғистондаги демографик аҳволни яхшилаш, меҳнатга яроқли аҳолини кўпайтириш учун ҳам чора тадбирлар кўрилмоқда.

Қозоғистон президентининг ҳар йили халққа қиладиган мурожаатидан келиб чиққанда, ўралмонлардан, илгари Қозоғистон фуқароси бўлган шахслардан тўлов бадали қонун бўйича сўралмаслиги керак. Аммо бу ишларга мутасадди бўлган расмийлар тўлов бадали сўрашни қанда қилишмаяпти.

Россияда эса Қирғизистон фуқаролари учун икки фуқаролик таъсис этилган. Россия паспортини олган қирғизистонликлар улар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиб, тенг ҳақ олиб ишлашмоқда.

БАЪЗИ АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАР...

Меҳнат муҳожирларининг аҳволини тубдан яхшилаш мумкин бўлмаса ҳам уларга озгина кўмаклашиш керак. Келгусида ишга борадиган меҳнат муҳожирларига ҳаминқадар осон бўлиши учун баъзи амалий таклифларимизни айтиб ўтайлик:

1. Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, керак пайтларда Қозоғистонда ва Россиядаги иш жойларининг адресларини айтиб, улардан хабар олиб тургувчи жамоат ташкилотлари тузиш ва улар божхона яқинида жойлашишлари керак.

2. Бу хил ташкилотлар меҳнат муҳожирларига чет элда бўлганда нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақидаги буклетларни тарқатишлари ва «ишга» деб ёздириларини талаб қилишлари лозим.

3. Бу ташкилотлар меҳнат муҳожирларини ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишга ўргатиши керак.

4. Фақат божхона ёнидагина эмас, Россия ва Қозоғистон каби давлатларнинг меҳнат муҳожирларига муҳтож жойларига ўзбекистонлик мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи жамоат ташкилотлари тузилиши керак.

5. Ҳозирда Қозоғистондаги нодавлат ташкилотлар миграция муаммолари билан шуғулланувчи ва фақат президентга бўйсунуши керак бўлган алоҳида ташкилот тузиш таклифи билан чиқишмоқда ва биз ҳам шу таклифга қўшилаемиз.

6. Ҳукуматлар агар ўз аёлларини, қизларини ҳимоя қилишни, уларнинг номусини, иффатини сақлашни истаса Сароғоч, Туркистон томонлардаги жинсий эксплуатация билан шуғулланилаётган жойларни аниқлаб, икки ҳукумат аъзолари иштирокида амалий фаолият олиб боришлари мумкин.

7. Яширин йуллар билан ўтган меҳнат муҳожирларининг л е г а л а ш т и р и ш , ошкорлаштириш уларнинг аҳволини яхшилашга ёрдам беради. Бир пайтлар бу хил тажриба АҚШ, Юнонистон, Италияда қўлланилган ва яхши натижалар берган. Легаллаштириш туфайли меҳнат муҳожирларининг фаолиятини, миграция жараёнини назорат қилиш мумкин бўлган. Меҳнат муҳожирлари ноқонуний ишларга қўл урولмаган.

(тамом)

Н.Жуман.
2011 йил

Жабрдийдаларга хайр қилинг...

«Замондош» сайтида (zamondosh.com) берилган ушбу хабарни газетамизда чоп этмасликнинг иложи йўқ. Оғир ҳолатда қолган инсонларнинг аҳолидан хабар бериш ҳар бир журналистнинг, ҳар бир матбуотчининг муҳим иши бўлганидай, жабрдийдаларга ёрдам қўлини чўзиш ҳам ҳар бир фуқаронинг вазифасидир. Ўқиб кўринг, балки Сизда ҳам миллатдошларга ёрдам бериш ҳоҳиши туғилар?!



РФ.да ишлаётган миллатдошларимиз ота-онасига қўшиб даволатиб берган эди. Бу икки ярим йил ичида миллатдошларимиз жабрланганларга кўрсатган маънавий ва модий ёрдамлари беҳисоб! Улардан Оллоҳ рози бўлсин.

Куни кеча Ўзганлик бир миллатдошимиз бизни офисга келиб, озгина эҳсоним бор шуни жабрланганларга бирга бориб берсак, деган эди. Бизни офис ходимлари ҳам янги йил арафасида ўз ойлик маошларини эллик фойзини энг оғир аҳволдагиларга берамиз деб қарор қилишган эди. биз ҳам баҳоли қудрат тўплаганимизни олиб, Ўзганлик меҳмон билан бирга жабрланган районга бордик. Бугунги кунда

Бу ҳақда Озодлик радиоси орқали ҳисоботлар бериб борганмиз, юзлаган миллатдошларимизга дори-дармон ,озик-овқат ва ўнлаб одамларини четга даволагани чиқарган эдик. Янги Дунё сайти раҳбари Юсуф Расулнинг сайъи ҳаракати билан қорнига ўк тегиб , ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилмагани учун ичаклари чириб кетган 9 яшар йигитчани Самара ва

оила бошлиғи камоқда бўлган, кўп болали, бир уйга кирдик. Халқаро ташкилотлар қуриб берган уй, ичкарига кирсак дахшат, эшикда қор ёғаябди совуқ, хонада тўрт бола ва икки аёл гишт устига ўрнатилган спирал атрофида исинишиб ўрибди. Хонада 4-5 матрас ва адияладан бошқа уй жиҳозлари йўқ, Фақат бир қазонча ва сковороткаси бор экан. Ҳол аҳвол сўрашиб қолган хоналарни ҳам кўрдик: уй бўм-бўш.Олиб борган пулимизнинг бир қисмини уларга бериб яна учта ховлига



кирдик. Аҳвол қолганларида ҳам яхши эмас, ёш болалар совуқдан иситималаб, ёниб ётишибди. Маҳалий ҳокимият фақат кўчаларни ободонлаштириш билан банд. Бизни ёрдам олиб келибди, деб эшитиб ўнлаб одамлар бизга

ҳам ёрдам беринг деб қуршаб олишиб ўз арз-додларини айтишиб кетди. Шунда биз икки уч маҳаллани айланиб чиқиб, дилларимиз вайрон бўлиб чиқдик ва керакли ташкилотларга мурожаат қиламиз деб ваъда бериб келдик. 2010 йили жабрланганлар учун банкдан хайри худойи ҳисоб рақами очган эдик. Ташшаббускор аёллар гуруҳини тузганмиз, улар ҳолис хизмат қилиб миллатдошларимизга ёрдам беришган эди. Сизга ҳисоб рақамларимизни юборсам, сайтингиз орқали эълон берсангиз, балки баҳоли қудрат ёрдам берадиган, саховатли миллатдошлар чиқиб қолармикан. Агар ҳисоб рақамимизга маблағ тушса, энг қийин аҳволдаги миллатдошларга бериб, сайтингиз орқали ҳисоботларини бериб борамиз.

Ёрдам бериш ниятида бўлган биродарлар+996773842400(Қирғизистон), +77711435558(Қозоғистон)га қўнғироқ қилиб, муаммолар юзасидан гаплашишлари мумкин.

Реквизитлар:

Наименование получателя:
ОФ.Правозащитный Центр «Закон и Порядок»
Кыргызстан, г.Ош ул.Ленина 314
Тел.+996 773 8424 00 Иззат Рахматуллаев
Филиал «Халык Банк Кыргызстан-Ош»
ОАО «Халык Банк Кыргызстан»
БИК.125002
P/счет:1250260071690085 сом КР.
Счет: 1251260071690037 в долларах.США

ҚЎШИМЧА ИЗОҲ: Муҳтожларга ёрдам беришнинг нақадар савоб иш эканлиги Қуръони Каримда ҳам алоҳида қайд этилган. Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 261 оятида: “Молларини Аллоҳнинг йўлида сарфлайдиганларнинг мисоли худди бир донга донга ўхшайди. Ундан етти бошоқ ўсиб чиқади, ҳар бошоқда юзтадан дон бор. Ва Аллоҳ кимга хоҳласа яна кўпайтириб беради...” деган. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари шу оятнинг тафсирида айтганларидай: “Ҳар бир жамиятда ижтимоий тенглик ҳукм суриши учун иқтисодий жиҳатдан

етарли имконга эга шахслар ўзларининг бу соҳадаги ночор биродарларига молиявий ёрдам қилиб туришлари керак...” Шайх ўз тафсири давом эттириб: “Камбағал кишига молиявий ёрдам берган киши ёки жамоат фойдасига пул сарфлаган одам Аллоҳнинг йўлида мол сарфлаган бўлади. Аллоҳнинг йўлида мол сарфлашнинг фойдаси ушбу оятда ажойиб услубда васф қилинмоқда. Сирдан қараганда хайр эҳсон қилган кишининг мол дунёси камайганга ўхшайди. Аслида эса, худди ерга экилиб ўзини фидо қилган бир донга ўхшайди. Ўша бир донга дон кейинчалик униб

чиқиб кўпайганидек, хайр эҳсон этилган мол ҳам бир неча чандон кўпайиб кетади”, дейди. Демак Сиз муҳтожларга ёрдам берар экансиз, маблағингиз камайиб қолмайди? Аксинча, мол мулкнингиз аввалгидан ҳам зиёда бўлиб, Аллоҳ сизларга ажр ва мукофотлар тайёрлаб қўйган бўлади, Сиз кутмаган жойлардан маблағ келиб, муҳтожларга берган молингиз ёки пулингизнинг ўрни бир неча баравар кўпайиб қайтади. Бунга мусулмонлар ҳаётдан олинган кўлаб воқеалар мисол бўла олади. Мусулмон миллатдошларимизга беражак ёрдамнингиз учун Аллоҳдан Сиздан рози бўлсин! Омин!!!

«Турк Консейи» (Кенгаши) аслига қайтди

Сабаҳ: - Турк нимадур?

Халил Ақинжи: - “Бир тил атрофида вужудга келган жамият” демакдир. Туркларда ирққа ортиқча аҳамият берилмайди. Ўғузлар бошқа халқдан асир олинган ҳомиладор аёлнинг боласини ўз болалари каби Ўғуз фарзанди қилиб етиштирадilar. Шунингдек юз тузулишимизга қарасак бошқа миллатлар билан аралашидан чекинмаганларини кўрамиз. Аммо бу «Турк Улуси йўқ» дегани эмас. Турк улуси дунёнинг энг қадимги улусларидан биридир. Турк таърифининг туғилиши тилдандир, тана ва бошқа физиологик хусусиятлар Турклик учун асос эмасдир.

Сабаҳ: - Туркларнинг ўрта алифбеси нега мавжуд эмас?

Халил Ақинжи: - 19 асрда Исмаил Гаспирали Ўрта Турк тилини ёйишга кўп ҳаракат қилди. Биз ҳам Ўрта Турк тили тузиш ишини атамалардан бошлашни истадик. Ўрта турк тили деганда биз ўрта алоқа тилини айтяпмиз. Хеч ким ўз лаҳжасини унутсин демаймиз. Қозоғистон ва Қирғизистондан бошқа барча Турк давлатлари лотин алифбосига ўтдилар, уларнинг ҳам ўтиш ниятлари бор. Ўрта алоқа тили ҳақида келишганимиздан сунг бу иш ҳам бўлади. 1926 йилда Бакудаги Туркология Конгрессида бутун Турклар учун қабул этилган 34 ҳарфли бир алифбо бор. Азарбайжон бу алифбони татбиқ этди, 1928 йилда Туркия ҳам ўз алифбосини қабул қилди. 1993 йилда Мармара Университетиде ташкил этилган йиғилишда Ўрта Турк алифбоси қабул қилинди. Турк кенгашининг ҳозирлаган бир алифбо

йўқ. Бу ердаги алифболарнинг бири-бирдан фарқи катта эмас.

УМУМТУРК ТАРИХ КИТОБИ

Сабаҳ: - Турк бирлиги қандай таъминланади?

Халил Ақинжи: - Умуммаънавият умумтурк тарихи китоблари орқали пайдо этилади. “Девони Луғатит Турк”даги тушунчалар бизнинг лаҳжаларимизда ҳам яшайди. Ўрта Турк алоқа тилининг асоси бордир. Умумтурк Тарих китоби ҳам мактабларда ўқитилади. Бу китоб 13 асргача бўлган вақтни ўз ичига олади. Астанада фанлар Академияси ташкил этилганди. Бу муассаса эндиликда миллатлараро ташкилотга айланяпти. Академия - Турк археологияси, Турк тили, Турк тарихига оид тадқиқотлар устида ишлайди. Мактаб дарсликларининг ёзишида педагоглар ҳам иштирок этишади.

Сабаҳ: - Нишонингиз болалар ва ёшларми?

Халил Ақинжи: - Умумий телевидение ташкил қиламиз ва бир қанча маърифий телевидениялар очамиз. Барча Турк болалари Америкаликларнинг, Японларнинг қахрамонларини томоша қилишяпти. Болалар учун мультфильмлар ишлаймиз. Бу фильмларда қахрамонлар турклар бўлади. Болалар билсинларки аждоди, қахрамони Манасдир, Гўрўғлидир, олими Юнус Эмродир, Қўрқит Отадир. Мен бу ердан кетгунга қадар бу ишларни тугатишни хоҳлайман. Ҳа, ҳажвий қахрамон Калўғлон, нуқтадонлиги ила Насриддин Хўжа, Ахмад Яссавий ҳам бўлади. Хуллас бу қахрамонлар



Халил Ақинжи Турк Кенгаши Раиси

коинотга чиқадилар ва юлдузлар жангида қатнашадилар, аммо филм тарих сабоқларини ҳам ўз ичига олади.

Сабаҳ: - Умумтаълим масаласи қандай бўлади?

Халил Ақинжи: - Маданият вазирларини тўпладик. Турк дунёсидаги кино усталари ва ёзувчилар бирлиги ташкил этиляпти. Бу ишларни TURKSOY амалга оширади. Университетлараро бирлик қуряпмиз. Хар бир ўлкадан икки университет танланди. 2013 йилда Қирғизистонда “Кўчманчи Уйинлар” бўлиб ўтади: жирит, кўкбўри ўйинлари шу ерда ўйналади. Таълим вазирлари Қирғизистоннинг Иссиққўлида тўпландилар. Баъзи қарорлар қабул қилинди. Таълим программаларининг

умумлаштириш учун ишлар бажарилади.

Сабаҳ: - Турк Кенгаши байроғи қай тариха юзага келди?

Халил Ақинжи: - Байроқнинг мовий ранги Қозоғистон байроғидан, ой Туркиядан, юлдуз Азарбайжондан, қуёш эса Қирғизистон байроғидан олинди. Айни вақтда байроқда мовий ранг билан биргаликда оқ ранг ҳам мавжуддир. Туркларда томонлар рангларда ифода этилади. Шарқ - мовий, Ғарб - оқ, Жануб - қизил, Шимол - қорадир. Яъни ғарбдан шарққа қадар чўзилган турклармиз биз!

SABAH Газетасидан олинди

Туркия туркчасидан Гокхан Узтурк таржимаси

ЖАҲОН УЙҒУРЛАРИ КЕНГАШИ:

ОБАМА ХИТОЙГА НИСБАТАН ЮМШОҚ СИЁСАТ ЮРИТМОҚДА



Хитой матбуоти хабарларига кўра, Шинжон-Уйғур мухториятининг (Шарқий Туркистон) Хўтан шаҳрида шу йил июн ойида йўловчи самолётини гаровга олганлик ва террор фоалиятига қўшилганлик айби билан уч уйғурга ўлим жазоси берилган. Яна бир уйғур эса умрбод камоқ жазосига ҳукм қилинган. Халқаро ҳуқуқ ташкилотлари ва уйғур фаолларининг даъво қилишича, бу воқеаларга алоқадорликда айбланган уйғурлар қийноққа солинган ва ҳуқуқий ҳимоядан маҳрум этилган.

Маркази Германияда жойлашган Жаҳон Уйғурлари Кенгаши бош коти-

би Тўлқин Исага боғланиб, уйғурлар муаммосининг бугунги аҳволи ва келажакда қутилиётган сиёсий ўзгаришлар ҳақида унинг фикрлари билан қизиқдик.

Тўлқин Исанинг айтишича, Хитой ҳуқумати уйғурлар норозилиги акс этган ҳар қандай ишни терроризм билан боғлашга одатланган.

“Шарқий Туркистонда бир иш бўлса, уни сиёсийлаштириш, жиноятга айлантириш ёки терроризмга боғлаш Хитойнинг аънанасига айланган қолган,- дейди у. – Ҳуқуматнинг мақсади уйғурларни кўрқитиш, таҳликага солиш”.

Хитойда раҳбарият ўзгариш арафасида. Янги ҳокимият мамлакатдаги уйғурлар муаммосини ҳал қилишда бирор ижобий ўзгариш қилиши кутиляптими?

Тўлқин Иса Хитой ҳуқуматининг кам сонли миллатларга нисбатан сиёсатида бирор ўзгариш бўлишига ишонмайди.

“Янги раҳбариятнинг келаётганига бутун дунё диққатини қаратган. Биз ҳам кузатяпмиз. Лекин Хитойда коммунизм мафқураси яшаб қолар экан, мамлакатнинг марказий ҳудудларига оид масалаларда ўзгариш рўй берса ҳам, Шарқий Туркистон, Тибет каби ўлкаларда юритаётган сиёсатида бирор янгилик, юмшаш ҳолатлари юз беришига ишонмайман. Политбюронинг янги аъзолари орасида кўпчилиги коммунист, ислохот тарафдорлари озчилики ташкил этади”, - дейди у.

Пекин ва уйғур фаоллари ўртасида музокаралар олиб бориш, диалог ўрнатиш имкониятлари борми?

“Раҳбаримиз Робия Қодир Европа Парламенти билан халқаро конференция ўтказиб, Хитой расмийларини мулоқотга даъват этган эди. Аммо Пекин бу таклифларга эътибор ҳам бергани йўқ, - дейди Тўлқин Иса. – Хитой, масалан, Тибет вакиллари билан, Далай Лама билан узоқ йиллардан бери мулоқот қилиб келаётган эди. Аммо бу диалог ҳозиргача бирор натижа бермаган. Тибет ёшлари энди бундай

музокараларга қарши. Бу бизга ҳеч қандай наф бермайди, дейишяпти. Хитой музокараларни вақтни чўзиш учун, алдаш учун олиб боради, холос”, - дейди Тўлқин Иса.

Хитой дунёнинг энг йирик иқтисодийга айланиш арафасида. Бу унинг сиёсий нуфузи мустақамланишига ҳам ҳисса қўшади. Дунёнинг муҳим иқтисодий ва сиёсий масалалари бугун Хитой иштирокисиз ва қўллаб-қувватловисиз амалга ошиши қийин.

Шундай шароитда АҚШ ёки Европа Иттифоқи уйғурлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Пекинга ўз сўзини ўткази оладими? “Хоҳ Америка бўлсин, хоҳ Европа Иттифоқи бўлсин, улар ҳозиргача Хитой билан муносабатларида иқтисодий манфаатларини биринчи ўринга қўйиб келишди, - дейди уйғур фаоли. - Албатта, дипломатик алоқаларда Тибет ва Шарқий Туркистон, инсон ҳақ-ҳуқуқлари масалалари кўтарилди, лекин асосий эътибор, барибир, иқтисодий муносабатларга берилди. Бундан кейин ҳам бу йўналишда бирор ўзгариш бўлиши ноаниқ. АҚШ ёки Европа Хитойга Тибет ва уйғурлар масаласида ўз қарашини жиддий тарзда қўя олиши ёки ўтказиши ҳақида олдиндан бир гап айтиш қийин”, - дейди Тўлқин Иса.

Жаҳон Уйғурлари Кенгаши вакилига кўра, АҚШ президенти Барак Обама ҳам Хитойга нисбатан юмшоқ сиёсат юритмоқда.

“Ўтган тўрт йил давомида Обама ҳуқумати Хитойга нисбатан юмшоқ позицияда бўлди. Аммо охири бир йилда эътиборини бундан буён Осиё-Тинч океани ҳудудига қаратиши ҳақида айтяпти. Демак, кейинги тўрт йилда яхшироқ, ақллироқ сиёсат юритади, деган умиддаман”, - дейди Тўлқин Иса.

Интернет материаллари асосида тайёрланди

Умар ибн Абдулазизнинг халифалик даврида Ислом қўшини Самарқандни фатҳ этганида Самарқанд аҳли бу фатҳни ботил ва ноҳақ санадилар. Сабаби, мусулмонлар Самарқанд аҳлига аввал Исломни таништириб, ё уни қабул қилиш, ё жия тўлаш ё эса урушга ҳозир бўлиш ҳақида огоҳлантирмасдан туриб улар устига бостириб кирган эдилар. Шунда Самарқанд аҳли Умар ибн Абдулазизга мактуб йўллаб, унга воқеани баён қиладилар ва ўз шаҳарлари фатҳи ноҳақ йўл билан бўлганини хабар берадилар. Шундан сўнг халифа бу ишни мусулмонлар қозисига ҳавола қилади. Қози Самарқанд фатҳи ноҳақ бўлгани ҳақида ажрим чиқаргач, Умар ибн Абдулазиз Самарқанддаги фотиҳ лашкарига зудлик билан шаҳарни ташлаб чиқиб кетиш ҳақида буйруқ юборади. Кейин бундан таъсирланган шаҳар аҳли ғолиб лашкар ҳузурига «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулulloҳ» калималарини айтган ҳолда чиқиб келадилар.

Мусулмонлар Шомни фатҳ қилиб, Ҳимс ва Дамашқни қўлга киритган кезларида ерлик аҳолини мудофаа қилиш ва Рум шоҳи Ҳирақл лашкаридан ҳимоя қилиш шарти билан уларга жия солиғи солинган эди. Ҳирақлнинг мусулмонларга қарши юриш қилиш мақсадида катта қўшин ҳозирлаётгани хабари келгач, мусулмон лашкари кўмондони Абу Убайда ибн Жарроҳ шомликларни

Яхшиларнинг даврасидаги суҳбатда бўлиш ҳам мароқли, ҳам савобли дейдилар. Айтадиларки, алломалар, солиҳлар даврасидан аттор дўқонидагидай мушк анбар тарқалса, ҳасадгўйларнинг, ёмонларнинг суҳбатида темирчи дўқонидагидай бадбўй чанг – тўзонга ботасиз. Бир гал амри маъруф интиҳосида маҳалладошимиз Маҳмуд ҳожи сарҳалқа домлага юзланди:

- Тақсир, тўхматчи, бўҳтончилар асосиз даъво, ёлғончилик билан дилларни хун айлайди, - оғир тин олиб, сўзида давом этди. - Каминага ҳам олмаган нарсани олгансан деб, кўплар олдида мулзам айлади. Бу тўхматга айримлар ишонади ҳам. Бунинг иложи нима. Ислом нима дейди? - Жамиятимизда шундай булганч шахслар ҳам учраяпти, - домла қаддини ростлаб, сўзга урғу бериб гапирарди. - Бирор пок кишини обрўсизлантириш мақсадида ёки шу сўз аниғига етмасдан атайлаб ёлғон ва уйдирма гаплар тарқатиш тўхмат, бўҳтондир. Буну қонун бўйича қилмиш, деб топилиб, ўша ғийбатчини, ёлғончини жазога тортиш мумкин. "Заҳар сочмоқ эрур касби илоннинг" деганларидай тўхматчилик ҳам ўша ғаламиснинг касби – қорига айланади қолади. Бу оғир дард. Бу жиноят. Ўша тўхматчининг, ғийбатчининг гуноҳга ботиб, икки дунё саодатмандлигининг маҳрум бўлаётганини айтмайсизми?

Сўз йўқ ғийбатчи – тўхматчи дастидан оилалар бузилган, одамлар соғлигидан айрилган. Аллоҳнинг борлигига, ҳақлигига ишонса, одам бундай номаъқул ҳаракатдан ўзини тийиши керак. Бу кайфият мазкур одамларнинг ҳасадгўйлиги туфайли ўзига ҳам тинчлик бермайди. Ифвогарлик касали ўзини уларни залолатга ботириб юборгай.

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг "Тавба" сурасининг 119 оятида "Эй, имон келтирганлар. Аллоҳдан кўрқингиз ва имонларида ростгўй бўлган зотлар билан бирга бўлингиз!" деб марҳамат қиладилар.

Бас, маълум бўладими, ибодатли ростгўй одам савобга мушарраф, икки дунёси саодатманддир. Тўғри сўз ва покиза ҳаёт эгаси бўлган Пайғамбаримиз (с.а.в.) эса "Ёлғончи биздан эмас!" деб таъкидлаган эдилар. Демак, исломимиз асоси тўғрилик, ростгўйлик экан нега ёлғон гапирармиз, нечун айримлар бировни бадном қилиб, ёлғон сўзлаб залолатларга ботирмоқда, ўзини гуноҳкор қилмоқда. Пайғамбаримиз (с.а.в.) умматим демаса, гуноҳқори азим ҳолда жаҳаннамга гирифторм бўлишдан катта мусибат йўқ.

- Бу нодонликдан қандай ва қачон қутуламиз? Нега ўйламайдилар?


...Чин ошиқни Аллоҳ сўйиб, бандам деди,
Аро йўлда қолмасун деб ғамин еди.
"Ёлғончилар дийдорини кўрмас" деди,
Бу ҳадисни фикр айлабон ўлдим манол!

Бу шайхул машоихи Хожа Аҳмад Яссавийнинг пайғамбаримиз ҳадисига монанд дил сўзлари. Хазрат Султон Ориф ҳам тўхматчилар дастидан кўп азоб – жабр кўргандан кейин Аллоҳга ёлвормадимми? Ўша тўхматчилар итга айланган азобларга гирифторм бўлганлигини эсланг. Ха, Ҳақ таоло ҳар кимнинг амалига қараб жазо ва ажр – савоб беражак. Қуръони Каримни тинланг: "Кимки бирон хато ё гуноҳни қилиб қўйиб, сўнг уни пок одамга тўхмат қилса, муҳаққики, у бўҳтон ва очиқ гуноҳни ўз зиммасига олибди" (Нисо сураси 112 оят).

Яна бир ҳикмат бор: "Тўхматни йўқотаман деб куйинманг. Тўхмат туфайли сизнинг гуноҳларингиз тўқилади, тўхматчининг савоблари йўқолиб боради. Гуноҳ тўхматчининг амал дафтарига ёзиб қўйилади. Аллоҳ покдир. У ҳақни севади". Унутмангки, ҳақиқатнинг юзи доимо ёруғ. Ҳақиқат олдин, уни синдирса ҳам нархи пасаймайди, дейди, донолар.

- Бу фикрларингизга қониқдик, - деди Маҳмуд ҳожи. - Афсуски, ғийбатчи, тўхматчи кўпинча нодон, билими сийқа киши бўлади. У на одобдан, на ҳалол ва ҳаромдан баҳабар, ундайлар ўз нафсини, ўз манфаатинигина ўйлаб маккорлик қилади, савоб ва гуноҳ улар учун чикора. Унинг дастидан бир солиҳ инсон изтиробга ботади, хўрланади...

- Тўғри айтасиз биродар, - деб домла китобни қўлга олди. - Ёлғончилик,



ҳимоя қилолмай қолишдан хавф қилиб, улардан олинган жияни қайтариб беради ва: «Ҳирақл бизга қарши жанга ҳозирланаётгани хабари келди. Мен сизларни ҳимоя қилолмай қолишдан кўрқаман», дейди. Шундан сўнг ушбу шаҳар аҳли насронийлар билан диндош бўлишларига қарамай,

мусулмонлар олдига чиқиб келиб: «Эй мусулмонлар! Бизга ўз диндошларимиз бўлмиш румликларнинг зулмидан сизларнинг адолатингиз яхши. Гувоҳ бўлинглар, биз бир Аллоҳдан ўзга барҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад Унинг элчиси деб гувоҳлик берамиз», дейишди.

тўхмат, бўҳтон – риёкорликдир.

Нодон – илм-маърифатдан хабарсиз, фаҳм-фаросатсиз, ярамас кишилардир. Улар инсонийликка тўғри келмайдиган қинғир ишлар билан шуғулланадилар. Одамларнинг кайфиятини бузиб, ўзи роҳатланади. Нодон киши андиша, сукут сақлашни ҳоҳламайди. Валдираб тилини тиймай, одамлар дили ва руҳини заҳарлайди.

Энг ачинарлиси шундаки, айрим калтабин, мулоҳазасиз кишилар шундай тўхматчи, ёлғончининг тегирмонига сув қўяди. Билиб туриб ҳақ гапни гапирмайдиган бўлиб қолганимиз ҳам ачинарлидир.

Дуо қилинг, нодонларни юзин кўрмай,
Ҳақ таоло рафиқ бўлса, бирдам турмай,
Бемор бўлса, нодонларни ҳолин сўрмай.
Нодонлардан юз минг жафо кўрдим манол.

Ана эшитяспизми, улўғ бобомиз Аҳмад Яссавийнинг дарди ноласини. Бас, маълум бўладими, ҳамма жамиятда яхшилик ва ёмонлик, ҳақ ва ноҳақ, хавасманд ва ҳасадгўйлик мавжуд бўлган. Хазрат Алишер Навоий бежиз айтмаган: "Нодон – эшак, балки эшакдан ҳам баттар. Ха, эшак жилла қурса юк ташиб беради, жамиятни булғамайди. Нодон фашиҳдан эса эл – юрт озорда!"

- Тўхматчиларга у дунёда жазо бор экан, бу ҳаётини дунёда ҳам жазосини тортадимми? – деди Маҳмуд ҳожи.

- Бу борада юқорида айтилганидек, - деди домла - тўхматчи-ғийбатчини халқ ўртасида, танишлари орасида сири ошкор бўлиб, юзи шувит бўлиб юрганлари қанча, ҳасадгўйлиги боис дил азобида қолиб, на дўстлар даврасида, на яхшилар суҳбатида ёлғон қатнашаолмай бахти қаро бўлиб қолганларнинг кўпларини биласиз, кўргансиз.

Бандаларга меҳрибон Аллоҳ "Ҳумаз" ("Бўҳтончи") деган сурада қатъий ҳукм чиқаради: "Барча кишиларга дилозорлик қилиб, уларнинг обрўларини тўқиб юрадиган бўҳтончи, ғийбатчи халокат бўлғай".

Астафирулло! Ана, оқибат! Инсон бу фоний ҳаётда имтиҳонда. Ҳалол яшаб, мусулмонлик зиммасидаги вазифаларни адо этсагина тангри иноятига мушарраф бўлади. Бас, шундай экан нега фойдаси йўқ, зарари бехисоб гуноҳ ишлар билан шуғулланамиз. Бу гумроҳлик эмасми?

Тўхмат тош ёради, тош ёрмаса, бош ёради, дейиш билан доно халқимиз тўхматчилик оқибатларини қоралайди. Бу билан тўхматчидан жирканади, улар оқибатда тегилиш жазосини олишганини таъкидлайди. Тўхматчи ўликни гувоҳ тутуди, деб халқ уларнинг жирканчликларини янада баён этади. Оқибатда ўзбек халқи "Тўхматчи тўхмат билан ўлади" деса қозоқ халқи "жала ёлган – жалага йўлиқади" деб ҳукм чиқаради.

Қуръони Каримнинг Нур сурасининг 11 – оятида: "... уларнинг (яъни бўҳтончиларнинг) хар бир киши учун ўзи касб қилган гуноҳларга яраша жазолари бордир" деб марҳамат қилиниши бежиз эмас. Шу тўхматни "тилдан тилга олиб аниқ билмаган нарсаларни сўзлаб, буну енгил, арзимас иш деб ўйлаганлар адашадилар, ҳолбуки, бу Аллоҳ наздида улўғ гуноҳдир" деб Қуръонда эслатганини ахли мўминлар унутмаслиги керак.

Доно халқимиз: "Адашганнинг айби йўқ, қайтиб йўлини (уйини) топса", дейди. Аллоҳ Таоло бандаларига меҳрибон. Ёмон йўлдан, булганч ҳаётдан қайтиб, солиҳ амалларга ҳаққа ёнган бандасини ўзи ёрлақай!

Комил инсоний фазилатлар бисёр. Ҳалол яшаш, жамиятга фойда етказиш, тўғрилик, ибодатлилик, ҳаёлик – булар комил инсонга хос гўзал фазилатлар. Одам тўғрилиги билан иззат – иқромга, икки жаҳон саодатмандлигига эришади. Аллоҳ Таоло ҳаммамизга ўзининг ҳақ йўлидан юришини насиб айлаб, икки дунё саодатмандлигини насиби рўзи қилсин.

Мираҳмад ҳожи Мирхолдор ўғли

Туйқусдан туғилган фикрлар

Ёрдамга муҳтож шахс ёхуд жонзотнинг ёнидан лоқайд ўтган одамга "тошбағир" деган сўздан бошқа таъриф ўринсиз...

Меҳр, шафқат, яхшиликни эъозлаш, гўзалликдан ҳайратлана билиш илоҳий хислатлар бўлса, не ажаб...

Устозини, яқин дўстларини, халқини, ҳатто – ки, туғишганларини сариқ чақага сотадиган кимсалар хоинлик қон – қонига сингиб кетган иблислардир.

Руҳий олами гўзалликни ҳис қилмайдиган одамлар маънавий жиҳатдан қашшоқдирлар.

Гарчи, бир – бирларини тушунсалар, кучук билан мушук ҳам бир катакда яшамоқлари мумкин.

Баъзи ота оналар болаларининг қандай ўқиётганларини эмас, бўрдоқига боқаётган новвосларининг ғамини кўпроқ ўйлайдилар.

Олимлик иқтидори – чуқур мантиқий фикрлаш салоҳиятидир. Унга эришмоқ учун мустаҳкам ирода даркор. Лекин, алломаларнинг заҳматли меҳнатлари ҳар доим ҳам муносиб тақдирланавермайди.

Ҳозирги замон одамларининг 90 фоизи олимларга эмас, бой – бадавлат одамларга таъзим қиладилар.

Мабодо, "Фалончи мансаб лавозимига кўтарилибди" десалар, катта – ю кичик бараварига "Қанча берибди?" дея қизиқишади.

Баъзан, биз ўз онамизга қўл кўтарамиз. Ўша онамиз – она табиатимиздир!

Бўш вақтдан ҳам эзгу ишлар учун фойдаланиш зарурдир.

Мактабда оладиган яхши баҳолари учун отасидан пул ундириб юрадиган ўқувчи катта бўлганида таниқли тамагир ва порохўрга айланади.

Айрим оталар вақти келиб, мол – мулкларининг ихтиёрини фарзандлари қўлига топшириб қўядилар – да, тарки дунё қиладилар. Бундай оталар қариликнинг бахтсиз дамларига ўзларини ўзлари дучор айлайдилар.

Чин илоҳий муҳаббатнинг одам боласи бошига қачон тушишини ҳеч ким билмайди: кимдир навқирон йигитлигида, кимдир мункиллаб қолган пайтларида унга дуч келиши мумкин. Кимларгадир эса, унинг ширин шаробидан татиб кўриш насиб айламайди.

Йигит – қизларнинг кўпчилиги "севги" сўзининг туб маъносини тушуна билмайдилар. Улар хушторлик, шунчаки, яхши кўриб қолиш, кўнгил қўйиш, ҳавас ҳиссига берилиш, қисқасини айтганда, ёқтириб қолиш каби майлларни "муҳаббат" дея тушунадилар.

Яна шуниям унутмаслик даркор – ки. Ҳақиқий севи ҳам абадият тимсоли эмасдир.

Баъзи бир калтафаҳм одамлар: "Менга ҳеч кимнинг ҳадди сиғиб гапира олмайди" деб, халққа зиёнини тегизаверадилар. Халқ эса, аллақачонок, унга ўз баҳосини бериб қўйганлигини бундайлар ҳис ҳам этишолмайди. Ҳиссиз кимсалар эса, фаросатсиз бўладилар.

Суннатulloҳ АҚРОМ

Озод Шарафиддинов
Ўзбекистон қахрамони

МУСТАФО ЧҶҚАЙ КИМ ЭДИ?

Мустафо Чўқай фақат туркистонлик муҳожирлар ўртасидагина эмас, балки Фарбдаги, айниқса, Олмония ва Туркиядаги шарқшунос олимлар дунёсида катта обрў қозонган, юксак нуфузга эга бўлган бир зотдир. Аллома бу эътиборга бир вақтлар Туркистон мухториятининг бошида тургани учунгина эмас, иккинчи жаҳон уруши чоғларида туркистонлик юртодошларидан анча-мунча одамни ўлим чангалидан тортиб олиб, асраб қолгани учунгина эмас, балки Туркистон мустақиллиги йўлидаги фидокорона фаолияти тўғрисида, кўпгина теран ва ҳолисона илмий асарлари тўғрисида эришган...



Мустафо Чўқай 1890 йилда Оқмачит шаҳрида туғилган. Оқмачит ҳозир Қизил Ўрда вилоятининг маркази. XIX аср ўрталарида бу шаҳар Қўқон хонлигига қарар, унинг чегарасида жойлашган овлоқ бир қалъа ҳисобланарди... Инқилобдан олдин Оқмачит яна бир жиҳати билан машҳур бўлган — овлоқ жой бўлишига қарамай, Оқмачитдан жуда кўп тилмочлар чиққан. Яхшиси, бу хусусда сўзни Мустафо Чўқайнинг ўзига берайлик:

«Эски Туркистон вилояти доирасидаги шаҳарлар орасида Оқмачитнинг баъзи ўзига хосликлари бор эди... Улардан бири, балки энг муҳими, бу доирада фаолият кўрсатган тилмочларнинг кўпчилиги Оқмачитдан чиққани эди. Ёлғиз Сирдарё вилояти ҳудудидагина эмас, Самарқанд ва Фарғона вилояти шаҳарларида ҳам губернатор, полиция маҳкамаларида оқмачитлик қозоқ тилмочлари хизмат қиларди... Оқмачит шаҳри котиб ва тилмачлар етиштириб берувчи бир макон бўлиб қолганди.» (Мустафо Чўқай. «1917 йил хотира парчалари». Анкара. Ёш Туркистон нашриёти — 1988, 16-бет.)

Мустафо ана шундай муҳитда дунёга келганди. Отаси Чўқайбей Тўрғай Додхо ўғли (1811—1918) ўз даврининг кўзга кўринган арбобларидан бўлган. У ўғлини илмми, маърифатли қилиб тарбиялаш йўлида қўлидан келган ишни аямаган. Мустафо бошланғич маълумотни Оқмачитда она тилида эски мактабда олади. Ўғлидаги иқтидорни ва илмга ҳавасни пайқаган ота эски мактаб таълими билан чекланиш мумкин эмаслигини яхши тушунади ва уни Тошкентга юборади. Бу ерда Мустафо гимназияда рус тилида таҳсил кўради. Уни аъло баҳода битиргач, Петербургда йўл олади. Мустафо Петербург дорилфунунининг ҳуқуқ куллиётини ҳам зўр муваффақият билан тугатади. Дорилфунунда ўқир экан, Мустафо фақат ҳуқуқшунослик илмларига қизиқиш билан кифояланмай, айни чоқда, тил ўрганиш бобида ҳам фавқулодда иқтидор эгаси эканини намойиш этади. Мустафо Чўқай ҳам бевосита сиёсий фаолият майдонига кириб қолади. Табиийки, ёш Мустафони ҳаммадан аввал она юрт тақдири қизиқтирар эди. У Туркистонни мустамлака кишанларидан ҳалос кўришни истар, ўлка халқлари ўз тақдирига ўзи хўжайин бўлган ҳолда тараққиёт йўлига чиқиб, бошқа илғор мамлакатлар қаторидан ўрин олишини хоҳларди. У инқилоб арафаларида ёзган мақолаларида Туркистон мустақиллиги учун кураш ҳолатини кенг тарғиб эта бошлади. Шундай қилиб, Мустафо Чўқай Туркистон манфаатларини чуқур тушунадиган илғор фикрли зиёлиларнинг олдинги қаторидан ўрин эгаллайди. Фикри теран, қалами ўткир бўлгани учун уни ҳатто Россия Думасига ишга олишади.

«1917 йил инқилоби бошланган кезларда,— деб ёзди Мустафо Чўқай «1917 йил хотира парчалари» китобида,— мен Петербургда эдим. У замонда мен Россия Думаси (парламенти) Мусулмон фракцияси қошидаги бюрода Туркистон вакили эдим. Туркистон ҳақида материаллар тўплар ва давлат думасидаги мусулмон миллат вакилларида Туркистон билан боғлиқ масалалар ҳақида керакли материалларни ҳозирлаб берардим». 1917 йил февраль инқилоби амалга ошириб, подшо тахтдан воз кечиши ҳақидаги Манифестни эълон қилган кунни Мустафо Чўқайни Тошкентга таклиф этадилар... Бироқ Тошкентдан

келган телеграммада 1917 йилнинг апрелида Оренбургда Умумқозоқ Конгресси бўлиши маълум қилинган ва унда Мустафо Чўқайнинг Туркистон вакили сифатида қатнашиши илтимос этилганди.

Мустафо Чўқай Оренбургда бир неча кун бўлади. У юқорида зикр этилган хотираларида Биринчи умумқозоқ қурултойи ғоят баланд руҳда ўтганини ёзди. Қурултой қозоқларнинг миллий уйғонишида катта аҳамият касб этиши билан бирга, барча туркий халқларни Туркистон мустақиллиги ғояси атрофида бирлаштиришга ҳам ёрдам берган. Қурултой ишида Фотиҳ Карим, Мунаввар қори Абдурашидов каби таниқли зиёлилар иштирок этган. Уларнинг нутқлари қурултой аҳлида катта таассурот қолдирган. Мустафо Чўқай буни ҳам ёрқин бўёқларда тасвирлайди:

«Мунаввар қорининг «Ўзбек қардошларингиздан салом келтирдим» дея бошланган табрик сўзларини қозоқ бўзқирларидан келган вакилларда уйғотган туйғулари, чуқур таъсири мен учун унутилмас бир хотирадир. Мунаввар қорининг илк жумласини оёққа туриб қаршилаган мажлис аҳли унга узоқ оққишлар билан жавоб берди. Кўпгина ёш вакиллар уни кўз ёшлари билан тингладилар. Қозоқ бўзқирларининг олис гўшаларидан келган вакиллар «энди биз ҳам қон ва жон биригимизни, қардошлигимизни очикча сўйлай оладиган бўлдик» деярқоқ кўзлари ёшланди. Оренбург ва умум турк-татарлар номидан Фотиҳ афанди Каримий қурултойни қутлади. Шундай қилиб, қурултой буюқ Турк халқининг уч кучли кўли орасидаги мустақам боғлиқликни намойиш этган бир сахнага айланди.»

Мустафо Чўқай Оренбургдаги ишларини битиргач, Тошкентга келади. 1917 йилнинг баҳор кезларида Тошкентдаги сиёсий ҳаёт қайнаб турган қозонни эслатарди. Кураш жабҳасида ҳар хил ижтимоий тоифалар манфаатига хизмат қилувчи сиёсий кучлар фаолият кўрсатарди. Тошкентда ҳам кўш ҳокимиятчилик давом этар, юртни Муваққат ҳокимият комиссари билан бир қаторда ишчи ва аскар депутатлари Совети ҳам бошқарарди. Советнинг таркиби хилма-хил бўлиб, унда эсерлар, кадетлар, большевиклар ва мусулмонлар фракцияси мавжуд эди. Ўртада иноқлик йўқ эди. Шунингдек, шаҳарнинг сиёсий ҳаётида яна икки ташкилот — «Уламо жамаияти» билан «Шўрои исломия» ҳам катта роль ўйнардди. Бироқ булар ҳам аҳил бўлиб иш туттиш ўрнига ўзаро низоларга берилдилар ва кўп ўтмай, ихтилофлар ошқора курашга айланиб кетди. Бундан фойдаланган большевиклар уларни тор-мор келтирди ва 1917 йилнинг ўрталарида бошқа партияларни Тошкентдан қувиб юборишди.

Шу тарзда Мустафо Чўқай Қўқонга келади ва сиёсий-инқилобий фаолиятини давом эттиради. Бу пайтда у мусулмонлар ўлка советининг («Шўрои исломия») раиси эди. Қўқонда бироз бўлгач, вазиятни ўрганиш, халқ кайфиятини билиш учун Марғилонга боради. Туркистон ўлкасининг Андижон, Тошкент, Самарқанд, Чимкент, Авлиё-ота каби шаҳарлари билан яқиндан алоқада бўлади. 1917 йилнинг 31 октябрида бир гуруҳ большевиклар Тошкентда ҳокимиятни қўлга киритишади ва Туркистонда совет ҳокимиятини эълон қилишади. Ўлкада сиёсий вазият фавқулодда тус олади. Бундай шароитда Ўлка мусулмонлар Совети ҳам ўз фаолиятини кучайтиради. 1917 йилнинг 9 декабрида эрталаб соат 10 да Қўқон шаҳрида ўлка мусулмонларининг фавқулодда қурултойи очилади ва Туркистон мухторияти эълон қилинади. Қурултойда мухториятни идора қилувчи Халқ Кенгаши сайланади. Кенгаш ўз навбатида Мухторият ҳукуматини сайлайди, Унинг биринчи раиси таниқли жамоат арбоби, Алаш Ўрда партиясининг раҳбарларидан бири Тинишбоев бўлган эди. Аммо у бори-йўғи бир ҳафта раислик қилди. Ҳозирча бизга номалум сабабларга кўра у истеъфога чиқади, ўрнига Мустафо Чўқай тайинланади. Бироқ унинг ҳукумати ҳам узоқ яшайолмайди

— орадан уч ой ўтар-ўтмас большевиклар томонидан тор-мор этилади. Шу ерда андак тўхтаб, бошқа бир масалага эътиборингизни жалб қиламиз.

Сўнги 75 йил давомида Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, бу ердаги босқинчилик ҳаракати, фуқаролар уруши, Қўқон мухторияти ҳақида юзлаб асарлар битилди. Шуниси қизиқки, уларнинг ҳаммасида мухториятни тор-мор келтирган большевиклар ва қизил аскарлар Туркистон халқига беқиёс яхшилик қилган буюқ қахрамонлар сифатида таърифланади, Қўқон мухторияти эса энг ярамас, энг зарарли бир ҳодисадай талқин этилади. Мен бу ўринда фақат тарихшунос олимларнинг асарларини кўзда тутаётганим йўқ. Биз адабиётшунослар ҳам тарихни бузишда улардан қолишмаган эмасмиз. Адиблар, шоирлар, драматурглар, киночилар ҳам айнан шу ҳодисаларни ўта сохталаштириб тасвирлаганлари, «Яша шўро!» деб ҳайқиршдан нарига ўтмаганлари бугун ҳаммага маълум. Гина-қудуратларни қўяйлиги бошқа бир саволга жавоб излайлик: нима учун мана шу асарларнинг ҳаммасида Мустафо Чўқай яқдиллик билан қораланади? Назаримда, шўронинг нонини еб улғайган олиму фузало, адибу шуаро Мустафо Чўқайнинг инқилобгача бўлган фаолиятида ортиқча салбийликни кўрмайди-ю, лекин мухторият ҳукумати раислигига сайланганлигини сира-сира кечиролмайди. Бунинг боиси шундаки, умри қисқа Қўқон мухторияти ўлка ҳаётида бирон-бир сезиларли бурилиш ясаб улгурмай тарих сахнасидан чиқиб кетган эса-да, у Туркистон мустақиллиги йўлида ёқилган сўнмас юлдуз — халқ қалбида ёнган умид чироғи эди. Уни ёққанлардан бири Мустафо Чўқай эди. Шунинг учун ҳам ҳукмирон коммунистик мафкура уни сира кечира олмади ва Қўқон мухториятини 20-йиллардан бери муттасил қоралаб, «фoш қилиб» келди. Унинг бўйнига тақилган таъқи лаянатлар эса ўша-ўша эски гаплар — мухторият аксилинқилобий ҳокимият, гўё бутун Туркистон Октябрни қувончдан кўзда ёш билан чапак чалиб кутиб олган-у, мухториятчилар халқ иродасига қарши бориб, буржуа ҳукуматини тузган. Бу — бошдан-оёқ тўхмат. Фирқа тарихчилари 20-йиллардаёқ Туркистонда маҳаллий аҳоли инқилобдан мутлақо узоқ бўлганини очик айтишган эди...

Хўш, миллий Зиёлилар-чи?

«Миллий зиёлилар Октябр инқилобидан кейин буржуазия билан бирга кетди». (П. Александров. Кокандская автономия. Т.—1931, 14, 15, 16-бетлар.)

Демак, ишчилар синфи ҳам, деҳқонлар ҳам, зиёлилар ҳам Октябр инқилобини амалга оширишда фаол қатнашмаган. Энди ўзингиз ўйланг — на ишчилар, на деҳқонлар, на зиёлилар қўллаб-қувватламаган ҳодисани «халқ инқилоби» дейиш мумкинми? Халқнинг унга ижобий муносабати қанақа бўлади? Советпараст олимнинг ўзи тан олган далиллар Октябр инқилоби Туркистонга четдан келтирилганини яққол исбот қилмайдими? Бас, шундай экан. Қўқон мухторияти маҳаллий халқнинг инқилобий хоҳишига зид ўлароқ майдонга келган, деб даъво қилиш бориб турган бир уйдирма, холос. Билъакс, далиллар ва ҳужжатлар шундан далолат берадики. Туркистон мухторияти бу ерда яшовчи маҳаллий халқларнинг энг теран орзу-ҳавасларига тўла мос бўлган...

Буни исботлайдиган далиллар ҳам кўп. Октябр инқилобидан кейин Туркистонда тузилган биринчи совет ҳукумати таркибида биронта ҳам маҳаллий миллат вакили йўқ эди. Туркистон Компартияси Марказий Қўмитасининг таркибида ҳам дастлабки босқичда маҳаллий миллатларга ўрин ажратилмади. Инқилобий раҳбариятнинг айрим ходимлари 1917—1918 йиллар мобайнида турли йиғинлар ва анжуманларда сира тортинмай ерли халқ шаънига таҳқирли гаплар айтишган. Масалан, Туркистондаги ҳокимият аъзоларидан бири К. Я. Успенский 1918 йил январда ўлка советларининг

қурултойида сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Ўртоқ мусулмонлар! Шунингиз билангизким, биз сизларнинг катта оғангизимиз. Сиз кичиксиз ва, тушунарлики, бизга бўйсунингиз керак»...

Мана шундай камситишлар ва таҳқирлар оқибатида 1917 йилнинг 11 декабрь кунини ўлка мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойи Туркистон мухториятини эълон қилди. Бинобарин, мухторият бир «ҳовуч фитнакорларнинг хуружи» тўғрисида эмас, маҳаллий халқларнинг қўлдан давом этиб келаётган орзу-истакларининг натижаси, Октябр инқилоби давридаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг маҳсули сифатида майдонга келди. Майдонга келди-ю, кўп ўтмай, большевиклар томонидан кунфаяқун қилинди.

Кўп йиллар мобайнида советпарастлик руҳи билан сўғорилган асарларимизда Мустафо Чўқай Туркистонда босмачилик ҳаракатининг илҳомчиси ва ташкилотчиси сифатида қоралаб келинди. Бироқ бу айблов ҳам ҳеч қандай заминга эга бўлмаган ҳавойи гап. Тўғри, Мустафо Чўқай ҳукумат бошлиғи сифатида ҳарбий вазир Убайдулла хўжа Асадуллаҳўжаев билан бирга мухториятни қизил қўшин хуружидан ҳимоя қилиш учун баъзи тадбирларни кўрган. Жумладан, улар мудофаа ишларини уюштиришни Қўқон милициясининг бошлиғи Эргашга топширган, Эргаш эса ўз навбатида унча кўп бўлмаса-да, қурулланган даста тузиб, Советларнинг ҳарбий кучларига қарши жанг қилган. Шунга асосланиб, Мустафо Чўқайни босмачилик ҳаракатининг асосчиси сифатида қоралаш мумкинми? Ҳолбуки, расмий ҳужжатларда, кўпгина асарларда «босмачилик» деган таҳқирли ном олган, аслида эса моҳият эътибори билан мустамлакачилик сиёсатида қарши қаратилган миллий-озодлик кураши бўлган бу оммавий ҳаракатни туғдирган ўзига хос сабаблар бор эди. Буларнинг энг асосийси ҳокимият вакилларининг маҳаллий халқларга менсимай қарashi, унинг миллий туйғуларини, инсоний ғурурини таҳқирлаши, урф-одатлари ва расм-русмларини оёқости қилиши эди. Шу билан бирга, советчилар аксилинқилобчиларга қарши кураш ниқоби остида маҳаллий халққа нисбатан шафқатсиз қирғинни амалга оширдилар. Тинч аҳолини қатагон қилиш Қўқонда февраль ойининг 17-кунини бошлади. Советпараст тарихчиларнинг тадқиқотларида кўрсатилишича, ўша кезларда уч кун давомида Қўқон ўт ичида қолди. Янги ҳокимият Қўқонни талон-тарож қилиш учун дашноқларга тўла эрк бериб қўйди. Биргина Қўқоннинг ўзида 10000 дан ортиқ одам ўлдирилди. Қирғин шу билан тугагани йўқ. 1918 йилнинг биринчи ярмида Марғилонда 4500 одам ўлдирилди. Шу жараёнда 180 кишлоққа ўт қўйилди. Минглаб оилалар хонавайрон бўлиб, бошпанасиз қолдилар. (Ш. Шамаъдиев. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. Т., 1961. 54—60 с.) Бундай мислсиз ваҳшийлик, қулоқ эшитиб, кўз кўрмаган зўравонлик суцайиш ўрнига борган сари кучайиб борди. 1919 йилда ҳам, ундан кейинги йилларда ҳам «босмачилик ҳаракатини» бостириш учун келган Қизил Армия қисмлари, жумладан, қонхўрлиги билан донг чиқарган Будённийнинг Биринчи отлик армияси босмачилар қолиб, тинч аҳолини қириш, аёлларни таҳқирлаш, ҳатто гўдакларни чавақлаб, найзаларга илиш бобида мислсиз «қахрамонлик» намуналарини кўрсатдилар. Бу ваҳшийликларни ҳатто ҳозир ҳам баъзи қариялар эслаб қолишса, қалтироқ босиб, ранглари ўчиб кетади. Хуллас, Фарғона водийси 1918 йилнинг бошлариданоқ гонга беланиб, харобазорга айланди. Буни кўрган ҳар қандай инсофли одам даҳшатга тушиб, ёқа ушламаслиги, «Гўзал Фарғона, сенга не бўлди?» дея фйон қилмаслиги мумкин эмасди. Айни чоқда, бу ёвузликларга қарши ҳаракат — исён туғилиши, халқ «бир бошга бир ўлим!» деб оёққа туриши табиий ҳол эди. Халқ исёнининг ҳақиқий сабаби мана шунда!

(Давоми бор)

Янги уюшманинг номи «Истеъдод» бўлгани маъқул...

Чашма адабий уюшмаси тузилганига 25 йил, «Исфижоб» тузилганига 10 йил бўлибди. Бу уюшмаларни тузганларга ҳам, уларда муттасил фаолият кўрсаётган қаламкашларга ҳам раҳматлар бўлсин. Зеро, Абдурахим Пратов раҳбарлик қилаётган «Чашма» шу жумладан, Ўрмон Собир мутасаддиси бўлган «Исфижоб», Султон Йўлдош бошчилигидаги «Сайрам», Гулнора Бегалиева бошқараётган «Шуъла», Мирсобир Миразизов бошлиғи бўлган «Карвон», Эркиной Султонова раҳбарлигидаги «Чимкент»... каби адабий уюшмалар юрагида бадииятга ихлоси борларни бирлаштириб Қозоғистонда демократия шамоли муттасил эсиб турганини, бу қадимий худудларда туркий ўзбекларнинг ҳам яшаётганини, яқин атрофга билдириб турибди...

Агар уюшмалардан етук шоирлар, носирлар етишиб чиқса, бу уюшмаларнинг мутасаддилари ўз асарлари билангина эмас, шу тўғаракларга раҳбарлик қилганлари билан ҳам келажак авлодлар томонидан эсланадилар... Айтайлик, Ғайратий номи Озод Шарафиддинов айтганидай, шеърлари билан эмас, унинг тўғарагидан Эркин Воҳидовдай шоир чиққани учун адабиёт тарихида қолди.

Аммо Жанубий Қозоғистондаги адабий уюшмалардан, туркий ўзбек адабиётидан ўз ўрнини оладиган, ҳеч бўлмаса Эркин Воҳид, боринки, Юсуф Сарёмий каби адиблар етишиб чиқармикан? Қозоғистондаги эркин адабий муҳит, туркий ўзбек ва туркий қозоқ халқларининг ичида адабиётга ихлосманд одамларнинг кўплиги бизда бу саволга ижобий жавоб бериш умидини туғдиради. Шундай бўлса, нега шу муддат ичида, Тошкент адабий муҳитидагилар ростакмига тан берадиган адиблар кўринмаяпти... Агар шу хил адиблар пайдо бўлса, уларнинг китобларини ўзбек адабиётининг жонкуяр вакиллари қўллаб қувватлашлари мумкинми? Бу саволга, ҳа деб ҳам, йўқ деб ҳам, жавоб бериш қийин. Зеро, у ердаги оддий ўзбекларимизгина эмас, шоир ва адибман, деб юрган туркий ўзбекларимиздан аксарияти ўзлари билан ўзлари оворалар... Бунинг устига, Жанубий Қозоғистонда яшаётган туркий ўзбеклар орасида шубҳасиз талантили ва истеъдодли қаламкашлар бўлгани ҳолда, ярқ, этиб, олов сочиб турганларини топиш ҳам амримаҳол! Бироқ биз, бугун бўлмаса эртага шу хил адиблар пайдо бўлишига ишонайлик! Чунки, Қозоғистонда сўз эркинлиги, ижод эркинлиги мажуд... Жанубий Қозоғистон худудида ижод қилаётган туркий ўзбеклар орасида истеъдодли ва иқтидорли, бадиий диди ўсса буюк бўладиган қаламкашлар оз эмас. Мен бу ўринда Комилжон Солибеков, Долимжон Сайфуллаев, Баҳодир Оташ ижодларини, Ойтўти

Режаметова, Абдумалик Сармонов, Раҳимтой Бегалиев, Гавҳар Маҳамедова, Муҳайё Бегметова, Гули Осиё, Дилноза Рустемова мақолаларини, Умриой Каримова, Соатой Камолова, Тилобат Пирназарова, Озода Аҳмедова, Гулнора Бегалиеваларнинг интим лирикасини, Иброҳим Туркийнинг ватанпарварлик руҳида ёзилган асарларини, Собир Шомурод ғазалларини, Суннатуллоҳ Ақром, Султон Йўлдош сингари қаламкашларнинг моҳиятида ҳаётини воқеалар ётган масалнамо асарларини кўзда тутмоқдаман. Камина бир пайтлар улардан айримлари (жумладан, А.Пратов, Б.Оташнинг дастлабки китоблари, Умриой Каримованинг айрим шеърлари, қатор қаламкашларнинг вақтли матбуотда чиққан ёзмалари) ҳақида мақолалар битиб, «Жамият ва маърифат», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газеталарида чоп эттирганман. Уларни такрорлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак...

Уюшмалар ва уларнинг

қияптилар. Инсоннинг исми унинг келажакдаги ҳаётига ижобий таъсир қилгандай, уюшмаларнинг номи ҳам уни яхшилик томон тортгучи трамплин ролини ўйнаши турган гап. Шунингдек, қўйиладиган ном одамларга тез тушиниладиган, диққатини тортадиган, уюшманинг туб мақсади билан боғлиқ бўлиши зарур. Агар Абдуриҳим Чашмага ўхшаган ташкилот тузмоқчи бўлса, Тулпор, Арғумоқ номлари ҳам бўлаверади. Аммо адабиёт тарихида қоладиган асарлар ижод қилгучи иқтидорли ижодкорлар ташкилотини тузмоқчи бўлса унга Истеъдод деб ном қўйиш жоиздир. Такрорлайман, уюшманинг мақсади чинакам адабий муҳитни шакллантириш, иқтидорли ёки иқтидори ўсиб бораётган қаламкашларга, санъаткорларга ёрдам бериш бўлса, менимча, уюшманинг номи ИСТЕЪДОД қўйилгани ўзини оқлайди. Бу сўзни қозоқ биродарларимиз ДАРЫН деб аташади. Истеъдод – Аллоҳ завқи баланд одамларга берадиган

талантилари шу элга хизмат қилса нимаси ёмон!

Учинчидан? Истеъдод ташкилоти шоир ва ёзувчиларни бир жойга тўплаб бир-бирова ҳамду сано айтиладиган маҳкама эмас, хом асарларини «пиширадиган», ўртача асарни етук даражага етишига ёрдам берадиган, яхши асарларни тарғиб ва ташвиқ қилиш, «хом ва нотаом» (Алишер Навоий) ёзувларни таҳлил орқали танқидлайдиган шу йўл билан адабиётнинг юксалишига, ҳақиқий адабий муҳит яратилишига ёрдам берадиган ташкилотдир.

«Истеъдод» уюшмаси шундай цех бўлсинки, унда уюшма аъзоларининг ёки четдаги ижодкорнинг қўлёмаларни номига эмас, ростакмига, муҳокама этилсин. Худди шу муҳокаманинг ўзи муаллифлар учун ҳам сабоқ бўлади, муҳокамада қатнашадиган ёшларнинг бадиий дидини тарбиялашга хизмат қилади. Муҳокамадан яхши ўтган асарлар босишга тавсия этилиши ҳам табиийдир. Шунда пулим борку, деб чиқарилаётган турли бўш баёв китоблар камроқ чиқади ва уларнинг даражаси маълум бўлади. Уюшмага кимлардир хафа бўлишини ўйлаб жим ўтирадиганлар эмас, фақат етук адабиётни орзу қиладиган ва шу йўлда астойдил ишлайдиган кишилар жамланиши лозим. Улар, тинимсиз равишда, умумий эмас, аниқ мавзуларга бағишланган баҳслар олиб боришлари, муҳокамалар нисбатан кенгрок доирада ўтказилиб, уларда «Чашма», «Исфижоб», «Сайрам», «Шуъла», «Чимкент»... каби адабий уюшмаларнинг аъзолари, шу жумладан ҳеч қандай уюшмага аъзо бўлмаган оддий ҳаваскорлар, ўқитувчилар, ўқувчилар ҳам қатнашиши, ўз фикрларини айтишлари мумкин бўлсин!

Ва ниҳоят истеъдод уюшмасида адабиётшунос, санъатшунос олимларнинг (масалан, Қозоқбой Йўлдошев, Бахтиёр Исабеков, Тилаб Маҳмудов, Баҳодир Жалолов кабиларнинг) аниқ мавзуларда марузалар ўқишларини, баҳслар уюштиришни йўлга қўйиш лозим. Ҳа, ҳолва деган билан оғзимиз чучимайди. Қатор тадбирлар туфайлигина уюшмалардаги қаламкашлар ичидан ўсиб етишган **истеъдодлилар** кўпайиб, **чинакам адабий муҳит** ҳосил бўлади...

ИЗОҲ: баъзилар, мунча қуйиб-пишасан, бундан шахсий мақсадинг борми, деб сўрашлари мумкин! **Жавоб:** каминанинг, Аллоҳ умр бериб, Жанубий Қозоғистонда шу хил адабий муҳитни кўришдан бошқа мақсадим йўқдир! Зеро бу ерда яратилган асарлар умумўзбек, қолаверса, умумтурк адабиётининг бир қисми сифатида халқимиз маънавиятининг юксалишига ҳисса бўлиб қўшилади. Маънавияти юксак халқ - мард ва жасур, оқил ва одил бўлади, уни ҳеч ким қул қилаолмайди...

Ботир Норбой
Филология фанлари доктори



«Чашма» уюшмаси аъзолари ва «Туркистон Тонги» таҳририяти учрашуви
У. Қурбонтоев олган фото

адабий муҳитдаги ўрни каттадир. «Чашма»га ўхшаган қатор адабий уюшмаларнинг шоирлар ижодини янада баланд поғонага кўтаришда хизмати бўлди. Аммо бу хил тўғаракларни чинакам адабий уюшмага айлантириш кераклиги ҳам муҳимдир. Шуни ҳис этгани учунми, бошқа сабаблар биланми, Абдурахим Пратов хозирча «Ижодкор - адабиёт ва санъат уюшмаси» деб атаётган бир янги тўғарак тузди. Унда ҳар бир ижодий уюшмадан битта, иккитадан қаламкашлар, айрим адабиётшунослар, театр арбоблари, актёрлар ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашмоқдалар... Тиниб тинчимас Абдурахим шу тўғаракка янги ном ҳам қидиряпти...

Вақти келиб қопти, мен ҳам фикрларимни атай! «Ижодкор» - умумий тушунча. Худди Инсонни одам, дегандай... Биз фарзандларимизга умумий маънони англатадиган исми камдан кам кўямиз. Айрим биродарлар эса, уюшмага Арғумоқ, Тулпор сингари номларни ҳам таклиф

неъмат. Фақат бу неъматни униб-ўсишига атрофдагилар, диди бор мунаққидлар ва адабиёт ўқитувчилари, уюшма аъзолари ёрдам кўрсатишлари зарур. **Истеъдодларгина адабиёт ва санъат асарларини, ёдда қоладиган образларни, санъат ва мусиқа асарларини яратади ёки яратилишига ҳисса қўшади...** Истеъдодсиз одам ҳақиқий асар ёзаолмайди, рол ўйнайолмайди, сурат чизаолмайди...

Иккинчидан, янги уюшмага аъзолар қабул қилинар экан, фалон уюшманинг раҳбари ёки пистон киши тавсия қилгани учунгина эмас, адабий муҳитда ўз ўрнига эга бўлгани учун ҳам қабул қилиш керак. ИСТЕЪДОДЛИ адибларни, адабиётшуносларни, актёрларни, журналистларни, истеъдодига ишонган завқи баланд ёшларни кўпроқ жалб қилиш керак... Балки бу ташкилот оёққа туриб кетса, унинг: актёрлар, рассомлар, созанда ва қизиқчиларни тарбиялайдиган турли бўлимчалари ҳам очилар? Улардан етишиб чиққан халқ

МИЛЛАТЛАР ҚАНДАЙ ТАРАҚҚИЙ ЭТАРЛАР?

Миллатлар тараққийига бир неча сабаблар бўлуб, туб сабаби олимлар билан бойларнинг ватанпарварлиги ва ғайратларидур. Тараққий қилгон ва ё энди тараққий қилгувчи миллатлар аҳволига диққат қилинса, мазкур икки тоифа кишиларнинг ўз миллатларига сўз ва маблағ ила хизмат этганлари аён бўлади.

Ҳар миллатнинг олимлари, аҳли қалами, мутафаккири ўз миллатининг равнақи учун йўл кўрсатур, йиғилиш ўтказиб, миллат ахлоқининг ислоҳи учун масжидларда панд ва насиҳат берур, мактаб ва мадрасаларда дунё ва охиратда керак илм - фан, таълим берарлар, китоб ва газет билан одамларни баҳс ва мунозарага чорлайдилар.

Тараққий қилгувчи миллатларнинг олимлари замондин бохабар бўлиб, ўз миллатининг равнақи учун саъй этар, миллатни келажагига маблағ ила, ғайрат ила ҳисса қўшмоқни миллат бойларига таклиф этар, ташвиқ ва тарғиб этар. Хулоса, ҳар миллатнинг олимлари, аҳли қалами миллат учун сўзлар, ёзар, миллий ва замоний тараққийетни илгари сурарлар.

Замона бойлари ўз миллатларини замонавий ривожни йўлида оқча сарф этарлар, масалан, янги усулда замонавий мактаблар бино этиб, замонавий мутахассис одам тайёрламоқ учун ҳаракат этарлар. Ҳукуматнинг ўрта ва олий мактабларида ўқийдургон ўз миллат болаларига ёрдам кўрсатурлар. Ва бечора ҳамжинсларини диний ва дунёвий мактабларига берур, ўз харажатлари ила ўқутадурлар.

Рус, армани, яҳудий ва бошқа Русиядаги ватандошларимизнинг бойлари доимо ўз миллатлари учун катта хайр ва эҳсонлар қиладурлар, инчинун, Қафқоз, Қирим, Қозондаки мусулмон биродарларимизни бойлари, уламоси ва аҳли

қалами, соҳиби фикри ўз биродарларига мол, оқча, қалам ва илм ила кўп ёрдам қиладурлар.


Аммо бизни Туркистонда бу ишлардин сўйламоққа хануз навбат келган йўқ. Ҳар ким ўз нафъи ва ўз шахсий иши ила саргардон, умумий ёинки диний ва миллий ишларнинг равнақи учун, миллатни замона одамларидек тараққий этмоғи учун, халойиқни ислоҳ ахлоқи учун ғам тортувчи ва ҳаракат этгувчи йўқдир.

Бир карра диққат қилиб, маҳалла-куй ва қишлоқ халқларига қаралсун. Авомлик, беилмлиқ нақадар кўпайган. Биз мусулмонмиз. мусулмонликка илм лозим, амал лозим, ўқумоқ керак. Нима учун бошқа миллатларда юза бир нафар бесавод йўқ экан, биза юза бир нафар саводлик йўқ?

Бошқа миллатнинг ёш болалари мактабда, лекин бизники ҳаммоликда ва гадоилиқда. Бошқа миллат уламосига тобеъ экан, бизни уламо билъак авомга тобеъдур? Бунинг охири харобдур. Йигирма, ўттиз йил сўнгра яна ёмонроқ булур, мусулмонлик, илм ва одоб билан тугайди. Миллат ахлоқи, фазл ва хунар ила боқий қолур.

Бугун ислоҳи мактаб-мадраса, яъни ислоҳи миллатга қўшиш қилинмаса раби аср сўнгра диёнат барбод бўлур ва анинг жавоби масъулияти бугунгиларга қолур, бу масъулиятдин қутулмоқ учун миллатни диний илм ва дунёвий илм-фанлар ўқумоқ учун тарғиб қилмоқ керақдур. Диний илм ва фанларнинг ўрни мактаб ва мадрасадур.

Дунёвий фанларни ўрни ҳукумат мактабларидур, иккисига ўқумоқ учун маблағ лозимки, ул оқча бойларнинг юртпарварлигидан чиқса керак. Бугун замонни ислоҳот ва тараққийетга ҳисса қўшган бошқарур. Миллатга ёрдам этмоқ учун, ислоҳи



Мақмудхўжа Бехбудий

мактаб ва мударрис учун, русий мактабларига ола тайёрламоқ учун, деҳқон ва санъаткорларни ривож бермоқ учун “ҳамийяти хайрия”, “нашри маориф”, кироатхоналар, фондлар, куружуклар, жаридалар, мажаллалар, нашриётлар керақдур. Миллатлар тараққийи шул ила бўлур ва бу ишларга оқча керақдур, оқча бойларда ва афродда!

Маро ба тажриба маълум шуд даро хар кор, Ки кадри мард ба илм аст кадри илм ба мол.

Маъноси: Менга тажрибадан маълум бўлдики, Одамда қанчалик илм бўлса ҳам илмининг кадри молдадур.

«Самарқанд» газетаси 1913 йил 30 июл.

Нашрга тайёрловчи, тўпловчи ва изоҳлар муаллифи профессор Беғали Қосимов © М. Бехбудий. Танланган асарлар; «Маънавият», 1999.

Кенг жабҳали бир маърифий ҳаракат яратилиши лозим...

“Ҳақиқат баҳсларда аён бўлади», дейди халқимиз. Бизга юборилаётган мақола ва нутқларда баҳсли ўринлар ҳам бўлади. Шунинг ҳисобга олиб: “Мунозара” рукнини очдик. Бу хил материалларга таҳририят ёки мутахассислар томонидан баҳо берилди, керак ўринларда мунозарага киришилади. Қуйида биз Мақсуд Бекнинг туркчиликнинг бугунги аҳволи ҳақидаги нутқини маълум қисқартиришлар билан эътиборингизга ҳавола этар эканмиз, ўзимизда унга таҳририят номидан тушунтириш ҳам бериш мажбуриятини ҳис этдик.

Бугун Туркчилик юкини ўз елка ва ва қалбларида ташиган биродарларимизнинг кўзларида бир оз ҳорғинлик ва саросима, бир оз шубҳа ва тараддуд кўрмоқдамиз. Бугун Туркчилар сафида ўн йиллар аввалги руҳий сафарбарлик ва руҳий юксалишларни, у дабдаба ва талотумларни кўрмаймиз. Совет императорлиги йиқиларкан, кутганимиз воқеалар – Турон эллари ва халқларининг Турк миллиятчилиги йўлбошчилигида бир-бирига талпинароқ йўлга чиқажакларига доир умидларимиз амалга ошмади, афсус.

Совет Иттифоқи қулагандан сўнг илк дафъа Туркистон ерларига оёқ босган миллиятчи турк қардошларимизнинг

мамлакатдаги аҳволни кўриб, паришонлик ичида қолганига гувоҳ бўлганман. Хусусан, 1991 йилда Олманиядан келган бир миллиятчи дўстимиз икки ҳафта давомида Ўзбекистонни кезиб чиқиб, пойтахт Тошкентга қайтганидан ундан: “Вазият қандай?” деб сўраганимда, ундан эшитган ягона калимам: “Халқ уйқуда ётибди” бўлди. Орадан 13 йил ўтди, аммо, афсуски, аҳвол ўзгаргани йўқ, ҳатто аксинча, иқтисодий қийинчиликлар халқнинг уйқусини янада чуқурлаштирди. Бу уйқу оддий бир уйқу эмас, шуур уйқусидир.

Бугун Турк жумҳуриятлари Совет империализмидан қутулган ва сиёсий ўлароқ мустақил бўлсалар ҳам, Совет зеҳниятдан қутула

олганлари йўқ. Чунки, Совет Иттифоқи битганидан сўнг совет идеологиясининг ўрнини боса оладиган бир идеология топа олмадилар, аниқроғи, ҳали ҳам ҳокимият тепасида бўлган собиқ коммунистлар ҳокимияти халқни ўтмиш куллигидан озод бўлишга етаклайдиган бир идеология топилишига тўсқинлик қилиб келдилар...

Халқнинг чуқур уйқудан уйғониши учун кенг жабҳали бир маърифий ҳаракат яратилиши лозим. Халқ ўзлигини англаб етиши керак. Аини шаклдаги ҳаракат аини пайтда бошқа Турк жумҳуриятларида ҳам бошланиб, жумҳуриятлар ўртасидаги алоқалар мустаҳкамлантирилиши лозим. Ки, Турк улуслари бир-бирларини танисин,

ки, Туркия турклари 1922 йилда Мустафо Чўқай ёзгани каби: “Қирғизлар мусулмонми?” ва ёки “Ўзбеклар қайси тилда гапирадилар?” деб сўрамасинлар.

Мавжудияти бор-йўғи бир неча ой давом этган Туркистон мухторияти раҳбари Мустафо Чўқай ўзининг 1922 йилда Франциядаги бир журналда чоп этилган Анвар Пошонинг Туркистонда олиб борган фаолияти ҳақидаги бир мақоласида шундай деб ёзади: “Туркия турклари ўз ота юртлари бўлмиш Туркистонга ўзларининг бу ўлкадан айри кечган бутун тарихлари мобайнида фақат бир марта, 1788 йилда Русия ва Усмонли салтанати ўртасида уруш чиққан пайтда қизиқиш кўрсатдилар, ўшанда Усмонли подшоҳи Туркистон хонларидан ва Русия тасарруфидаги қозоқ улусларидан Русияга қарши урушда дастак истаган эди. Бундан бошқа Туркия тарафидан Туркистонга бирон бир қизиқиш кўрсатилмади”.

Аммо бугун вазият ўзгарди, ўтган асрнинг 10 йили ичида Турк жумҳуриятларининг бир-бирига бўлган қизиқишлари мисли кўрилмаган даражага етди, ҳатто марҳум Турғут Ўзал бу руҳий кўтаринкилик ҳаяжони билан: “Йигирма биринчи аср Турк асри бўлажак” дея башорат ҳам этганди. Аммо афсуски, биз Турк жумҳуриятларидаги иқтидорни қўлдан чиқаришни истамаган собиқ коммунистларни ҳисобга олманган эдик. Бугун улар советларнинг “Парчала ва идора эт” принципи билан бутун Турк жумҳуриятларини эзиб, ўлкани талон-тарож этишда давом этмоқдалар.

Турк жумҳуриятларида рус шуурли коммунистлар иқтидорда қолар экан, ўлкалар ўртасида том маънодаги маданий ва сиёсий алоқалар ўрнатилиш ҳақида гапириш имконсиздир. Алоқаларнинг ўрнатилиши учун Турк жумҳуриятларида ҳокимиятга миллий-демократик йўналишдаги кучлар келиши лозим.

Мақсуд Бек

Таҳририятдан: муаллифнинг яхши ният билан айтилган юқоридаги фикрларидан айримлари баҳсли албатта. Унинг: “Бугун Туркчилик юкини ўз елка ва қалбларида ташиган биродарларимизнинг кўзларида бир оз ҳорғинлик ва саросима, бир оз шубҳа ва тараддуд кўрмоқдамиз”, дейиши ҳам, бугунги туркчилармиз сафида «ўн йиллар аввалги руҳий сафарбарлик»ни кўрмаймиз,

дейиши ҳам ҳаётимизда кейинги пайтларда бўлаётган ўзгаришларга зид. Кейинги 2-3 йил ичида Турк парламенти Ассамблеясининг қурилиши, Турк Кенгаши байроғининг тасдиқланиши, Туркия, Қозоғистон, Озарбайжон ва Қирғизистон давлатлари бошлиқларининг кўплаб учрашувлари Туркчилик ғоялари амалиётга тадбиқ этилаётганининг бир

белгисидар. М. Бекнинг: “Турк жумҳуриятларида рус шуурли коммунистлар иқтидорда қолар экан, ўлкалар ўртасида том маънодаги маданий ва сиёсий алоқалар ўрнатилиш ҳақида гапириш имконсиздир”, дейиши эса, қадим Туркистондаги айрим республикалар учунгина ҳақиқат бўлиши мумкин, Қозоғистон ва Озарбайжон учун эмас.

Таҳририятга келган хатлардан.

Хурматли "Туркистон Тонги" таҳририяти ходимлари!

Газетангизнинг олдинги сониди обуначиларга мурожаатларингизни ўқиб ҳайрон қолдим. Унда обуначиларга ҳақиқатан ҳам 6 ойга 240, бир йилга 480 тенге деб ёзилган. Почтага борганлар 6 ойга 310 тенге, бир йилга 620 тенге экан, дейишди. Нега ундай?

Хурмат билан **Г. Иброҳим қизи**.

Таҳририят жавоби: ҳа, 9 - сонда хато кетган, таҳририятдагилар почтанинг устама ҳақини ҳисобга олишмаган. Бунинг учун биз, таҳририят номидан кечирим сўраймиз.

Хурматли газетхонлар,
«Туркистон Тонги» таҳририятига
интернет орқали ҳам хат йўллашингиз
мумкин. Электрон почта манзилимиз:
gazeta@turkistontongi.com

Халқимиз шу даражада камбағалми?

Мен ҳам собиқ муҳаррирман. Нашр ишлари ўз - ўзидан бўлмаслигини яхши биламан... Газеталарингизнинг ўтган сониди обуначиларга мурожаатларингизни ўқиб, ўйланиб қолдим. Газетхонлар арзимаган тенгеге 6 ой, 1 йил газеталарингизни ўқиб туришаркан. Сизлар эса, шу пайтгача, газеталарингизни реклама учун текин тарқатдинглар. Бу ёғига текин тарқатманглар! Акс ҳолда, касодга учраб қоласизлар. "Туркистон тонги" эса фойда келтирмасда-да, ўз-ўзини қоплаб турадиган нашр бўлиши, халқимиз вакиллари бу газетага обуначиларга бўлишлари керак. Ахир элдошларимиз 300-400 тенге топаолмайдиган даражада камбағал эмас-ку!

Б. Жума.

Таҳририятдан: шу пайтгача биз газетамизни реклама учун текин тарқатганимиз рост. Аммо янги йилдан бошлаб, газетамиз обуначиларгагина тарқатилади. Айрим нафақахўрлар ва шу 310 тенгени ҳам топаолишга қудрати етмаганларгагина текин тарқатишимиз мумкин.

МИРАЗИЗ АЪЗАМНИНГ "КУЗГИ ЯПРОҚЛАР" КИТОБИГА КИРИТИЛГАН ҲАЗАЛЛАРИДАН НАМУНАЛАР

Нечун миллиятчи бўлдим? - Бунга ёвлар эрур боис, Йўлимни чеклаган, тўсган баланд ғовлар эрур боис. Сенинг халқинг қоқоқ халқ, деб, илм-фандан йироқ халқ, деб Берунийлар элин туртган куруқ довлар эрур боис. У ёнга бир бурилганда, бу ёнга бир бурилганда Мадрасам, масжидим йиққан қўпол говлар эрур боис. Чаманда гулни кўргандай, элимда бир даҳо кўрса Кўкимда Чўлпоним урган разил овлар эрур боис. Кўзи қонга тўлиб ётган, яшил ўрмонин тарк этган, Ҳалол ўғлимни бузганлар - мушук мовлар эрур боис. Ажиб атворлари: кавлар бир ерни, бири дилни, Фақат ер остини эрмас, кўнгил овлар эрур боис. Эшикдан газ қувур ўтган, қувур ғарбга қараб кетган, Ўзи газсиз, ғўза терган хор яёвлар эрур боис. Ер узра молдай ишлатган, сўнг туҳматла ер тишлатган, Қизларни ҳам қамаб кулган беаёвлар эрур боис. Ўтган иш ўтди, фикр қил, Миразиз Аъзам шукр қил, Бу ҳасратга ички дардлар, сис-оловлар эрур боис.

Баҳс этиш асли ёмонмас, бўлмаса беҳуда баҳс. Бир фақат жонон билан этмоқ қийин осуда баҳс. Кўзларига термиларсан, сўзларинг ёддан чиқар, Жимгина мағлуб бўларсан, тин топар қайғуда баҳс. Кетганингда ўз уйингга, ётганингда тун маҳал Гавдалангай тушларингда қайтадан уйқуда баҳс. Тағи бир тур баҳс бўларки ундан ор қилгай киши, Илму динга қарши бўлса, асли бу олуда баҳс. Ақли бут ориф йигит жоҳил билан баҳслашмагай, Баҳслашиб қолса мабод, бўп ўтар кулгуда баҳс. Четда юр эй, Миразиз Аъзам, бунингдек даврандан, Боқма асло, қайда қандай ўтса ўтсин сувда баҳс.

Менинг орзу-хаёлимда улусим доимо обод, Бамисли Сир каби ўйчан, Амудай жангари, озод. Наманганда ва Паркандда савол бергувчи инсон кўп, Жавоб бергай керак бўлса андижонлик янги авлод. Чунончи бир савол улким: нечун ҳар ким яшар ҳар хил, "Беш қўл ахир баробарми?" - жавоб бергай бирор девзод. Ҳа, қўлингни кузат, ишлат, шу ҳар хил қўл бирикканда Ҳаётингни гўзал қилмоқ учун сенга берур имдод. Тўғри деб бармоқларингга ўтирсанг кўз тикиб мудроқ, Билиб қўйки, уйқу сенинг қўнларингни этгай касод. Миразизнинг неча ўн йиллик кузатган илми шу, Истасанг сен ҳам рият шу тарийқни айлагин ёд. Жаҳд ила, ғайрат ила, зеҳну фикр, тадбир ила Ҳар жамоат, истаганда, ўз ҳаётин этди шод.

Хаёлимда юрар бир ўй: шифо борми мунофиққа, Асл йўлни сурут этган садо борми мунофиққа? Ҳақиқатга ишонтирган ота бирла она борми, Ҳукм ёки илм аҳли — даҳо борми мунофиққа? Нечун битмас ажиб зумра — сўзи бошқа, иши бошқа, Наҳот ҳеч бир иложи йўқ, даво йўқми мунофиққа? Бу қандоқ бир синоатким, мунофиқ айш сурут доим, Жамоатда, жамиятда баҳо борми мунофиққа? Ватан борми, улус борми, муқаддас бир хаёл борми, Аё тақдир, захиранда хаё борми мунофиққа? Дема сен, Миразиз Аъзам, зулм кўрдим мунофиқдан, У дунёю бу дунёда Худо борми мунофиққа?

Сарғайиб ўтиришар офтобда хотин-халаж, Гоҳо рўмолсиз, гоҳо ҳижобда хотин-халаж. Гоҳ масжид остонаси, гоҳ метрода тиланар, Баъзан куйлар, қўллари рубобда хотин-халаж. Севгим, эҳтиромим кўп кўз-қоши қароларга, Аммо қалбим эзмокда шу тобда хотин-халаж. Кўзларига қарасанг, кечирим сўрагандай, "Бошқа йўл йўқ", дегандай хитобда хотин-халаж. Ўтиш даврин ҳоллари, кечим қийинлигиндан Ҳис этишар ўзларин гирдобда хотин-халаж. Мубтало улар ҳозир турли можароларга, Кундалик кемтиклардан фарёда хотин-халаж. Ҳа, улар кўпчиликмас, озчилик ҳам эмаслар, Аччиқланиб, кучланиб шитобда хотин-халаж. Қадларини тиклашни билайлик биз, эркаклар, Кирмасин бевақт хоки туробга хотин-халаж. Мунча донолик қилиб эланасан, Миразиз, Пастдан юқоригача ҳисобда хотин-халаж.

Ватанга ким бўлур ворис? Қаю инсон эрур ворис? Кими тупроқ учун турса бўлуб доvon, эрур ворис. Демаким, эй рафиқ, менга: биров ишдан, биров сўздан. Кўшилмам гар десанг менга: куруқ гапдон эрур ворис. Сўзин ёзган ва ё айтган магар байроққа кўз суртиб Ва тупроққа тўкиб кўзёш — ўшал хушхон эрур ворис. Ёвин селдай босиб борган ва манглайдан отилган ўқ — Қаро ерни кучиб ётган ўғул арслон эрур ворис. Юҳо нафси ёмонларни — шаётинни босиб-янчиб Ҳалоллик йўллари очган ҳалол инсон эрур ворис. Замонлардан замонларга, забонлардан забонларга Азиз номи ўтиб юрган бўлиб дoston, эрур ворис. Улуснинг тил учиндаги бирон сўзни ёниб айтса Ватанга Миразиз Аъзам ҳам ҳеч бегумон эрур ворис.

Вилоят ўзбек драма театри биносида 2013 йилги январь ойида бўлиб ўтадиган спектакл ва тамшалар

1. И. Зойир. "Қарз" спектакли. 01.01.13. соат 14.00 да.
2. Ж. Сайитов. "Янги йил воқеалари" 03.01.13. соат 11.00 да.
3. Ж. Сайитов. "Янги йил воқеалари." 04.01.13. соат 11.00 да.
4. Н. Қадыров. "Анқонинг уруғи" спектакли. 04.01.13. соат 17.00 да.
5. Ж. Сайитов. "Янги йил воқеалари." 08.01.13. соат 11.00 да.
6. Е. Қойбағарұлы. "Оқибат". 08.01.13. соат 15.00 да.
7. Ж. Сайитов. "Янги йил воқеалари." 09.01.13. соат 11.00 да.
8. Ж. Сайитов. "Янги йил воқеалари." 10.01.13. соат 11.00 да.
9. И. Зойир. "Қарз" спектакли. 14.01.13. соат 14.00 да.
10. Ф. Шермухаммад. "Таъзиядаги тўй" спектакли премьераси. 16.01.13. с. 15.00 да.
11. Ф. Шермухаммад. "Таъзиядаги тўй" спектакли премьераси. 17.01.13. с. 15.00 да.
12. Ф. Шермухаммад. "Таъзиядаги тўй" спектакли. 18.01.13. с. 15.00 да.
13. Ф. Шермухаммад. "Таъзиядаги тўй" спектакли. 30.01.13. с. 15.00 да.

Вилоят ўзбек драма театри 2013 йил январь ойида яқин атрофдаги шаҳар ва қишлоқларда ўтказадиган спектакл ва тамшалар.

1. "Кулги қарвони" театрлаштирилган концерт. "Манкент" санаторийсида 18.01.13. соат 20.00 да.
2. Ф. Шермухаммаднинг "Таъзиядаги тўй" спектакли. Тўлебий тумани 21.01.13. с. 12.00 да.
3. И. Туркий. "Умр қувончлари" спектакли. Шимкент. 24.01.13. 15.00 да.
4. Ф. Шермухаммад. "Таъзиядаги тўй" спектакли. Шимкент. 25.01.13. соат 11.00 да.
5. Ф. Шермухаммад. "Таъзиядаги тўй". Қорабулоқ, Фуркат мактаби. 28.01.13. соат 11.00 да.
6. Ф. Шермухаммад. "Таъзиядаги тўй" Манкент, 1 май мактаби. 29.01.13. соат 15.00 да.

Ижтимоий-сиёсий, илмий, адабий - публицистик газета

Бош муҳаррир:
С. Байдуллаев.

Муҳаррир ўринбосари:

Б. Норбоев.

Дизайнер:

У. Қурбонтюев.

ОБУНА ИНДЕКСИ: 64502

Таҳририят манзили: Чимкент шаҳри, Интимоқ микрорайони, 1-уч. Тел.: 8(7252)292587.

Мулк эгаси: Якка тадбиркор «С. Байдуллаев». Қозоғистон Республикасининг Алоқа ва ахборот вазирилик, Ахборот ва архив қўмитаси, даврий босма нашрларни ва Ахборот агентликларини рўйхатга олиш тўғрисидаги 12310 - Г сонли, 2 февраль 2012 йилда берилган гувоҳномага асосан босилмоқда.

Адади: 2000 дона. «М-press» босмахонаси (Байтурсунов-18) да чоп этилди. Буюртма №.

Таралиш худуди: Қозоғистон Республикаси.

Газета бир ойда бир марта нашр этилади.

1. Муаллифларнинг фикри газета таҳририяти аъзолари фикри билан айнан бўлмаслиги мумкин.

2. Барча муаллифлик ҳуқуқлари Қозоғистон Республикаси қонунлари билан ҳимояланган.

3. Газетанинг асосий мақсади миллатлараро муносабатларни мувофиқлаштиришидир. «Туркистон тонги»да миллатлараро дўстликка раҳна соладиган мақолаларга ўрин берилмайди.

4. Ўқувчиларимиз маънавияти бойлигини ҳисобга олиб, саҳифалардан ножоиз жойларда фойдаланмаслигига умид қиламиз.

5. Газетадан олинган мақолалар ёки иқтибослар «Туркистон Тонги»дан олинганлиги кўрсатилиши лозим.

ТУРКИСТОН ТОНГИ

